



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН 19 апрель 1972 йил, чоршанба № 92 (15.263). Баҳоси 2 тўйин.

Чўлқуварлар шижоати

ФОТО РЕПОРТАЖ



Расмий хабарлар

А. Н. КОСИГИН УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг 1971 йил ноябрида бўлиб ўтган Умумевропа учрашувида қабул қилинган «Дэватни» А. Н. Косигинга топширди. Учрашув қатнашчилари миллион-миллион совиқ фронтосиклар, партизанлар, қамоқ лагерларининг маҳбуслари, уруш инвалидлари номида Европа мамлакатларининг халқларига ва ҳукуматларига ҳамма давлатларининг дўстлиги ва ҳамкорлигига асосланган тинч Европани барпо этиш учун ҳамма ишнини қилиш даъвати билан мурожаат қилган эдилар.

СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ КОМИССИЯ МАЖЛИСИДА ҚАТНАШМОҚ УЧУН БОННГА ЖУНАБ КЕТДИ

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, аралаш комиссия совет қизининг раиси В. Н. Новиков бошчилигидаги Совет делегацияси СССР билан ГФР ўртасидаги илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик аралаш комиссиясининг биринчи сессиясида қатнашмоқ учун 18 апрелда Москвадан Боннга жўнаб кетди.



СЪЕЗД, БЕШ ЙИЛЛИК ВА ДЕХҚОН МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ИҶЛИДА

Файзулла АЗИМХҲАЕВ,
Тошкент об-ласт, Қалиния районидagi «Қорасув» совхозининг бош агрономи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» АНКЕТАСИГА ЖАВОБ БERAДИ

— Сиз ишлаб турган совхоз республикадаги энг йирик сабзавотчилик хўжалиқларидан биридир. Унинг шаҳар аҳолисини сервиситани маҳсулотлар билан таъминлашда тўтган салмоғи қандай бўлаётти?
— Совхозимиз коллективни зиммасидаги маъсулиятни вазирамиз бир неча йилдан буён муваффақиятли ўришлаб келаяти. Сақзининчи беш йилликни ахши натижалар билан якунлаган эдик. Янги беш йилликнинг биринчи йили — партиянинг XXIV съезди бўлиб ўтган 1971 йилда эришган ютуқларимиз янада салмоқли бўлди. Пландagi 6900 тонна ўрнига 8 минг тонна сабзавот тайёрла-

Учтом қишлоғи тонгда тракторларнинг наърасидан уйғонди.

— Ҳаво очик, Тупроқ қизиб кетди. Деҳқонман деганининг ҳам маси далага кўчиб чиқди. — деди Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз директори Бозор ака Маманов. — 62 бригаданинг ҳаммаси экишга пухта тай ёрларлик билан киришди. Далада 50 та агрегат ишляпти. Чиндан ҳам деҳқонман деганини пайкалда учратасиз. Осмонда самолётлар учиб, уладек юмшатирилган тупроқ устига суперфосфат селиб кетмоқда. Иккинчи пайкалда агрегатлар ерга уруғ ташляпти. Шинам бозатилган шийонлар атрофида бонглардан пахтакорлар учун сабзавот экинлари экиляпти. Мева дарaxтлари оппоқ гуллаб турибди. Тангри Жуманов, Балхи Арслонов бошқарувчи бўлган бўлимда эса бир неча бригадалар мигитни экиб бўлиб, энди ўза парваршига тайёргарлик кўришмоқда.

— Ерларимиз янги. Шу сабабли туксилантирилган «108-Ф» чигит экиляпти. Самолётлар билан ҳар гектар ерга 600 килограмдан суперфосфат селиди, — деди директор. — Пахта таннари қимматлашиб кетмайдими?
— Йўқ. Қайтага арзонлашади. Самолётнинг меҳнат унумдорлиги билан ўтказиб келмоқда.

Янги севалкар олдингарми?

— Узимиздаги бор севалкарини шунга мослаштирдик. Севалкарини муруғни белгиланган микдорда аниқ ташляпти. Шу ҳисобдан анча муруғни иқтисод қилиб қолъяпти.

— Мирзаўлдаги янги хўжалик — хўжалик ҳисобида ишляйдиган 31-участка деҳқонлари ҳам биринчи баҳорни ахши тайёргарлик билан кутдилар. Чўлқуварлар 1700 гектар ерга чигит экиш билан бирга совхоз посёлкасини ҳам қурмоқдалар. Бог, бедзорлар барпо этмоқдалар.

Суратда: Оқолтин районидagi Усмон Юсупов номли совхозининг илгор бўлим бошлиғи (ўнгдан) Тангри Жуманов, механик Уктам Нарзиев, бўлим агрономи Хажимжон Мулкинов ва бригада бошлиғи Турғун Бостонов экиш сифатини текширишмоқда.

А. Тўраев фотоси.

Республикада биринчи

ТУРАҚҲҲОН РАЙОНИДА ЧИГИТ ЭКИШ БЎЛИНДИ

Наманган об-ласт ТўрақҲҲон райони меҳнатчилари Ўзбекистонда биринчи бўлиб чигит экиш планини бажардилар. 11300 гектар майдонга уруғ қадалди.

Дала ишларида 177 та экиш агрегати, бултурдагики нисбатан қариб бир ярм баравар кўп агрегат ишлятилади. Бу — тўрақҲҲонликларга баҳор илқиқликларига қарамай, чигит экишни ўтган йилдан бери ҳафта аввал тўғаллаш имконини берди. Ҳозир барвақт экилган участкаларда чигит бош кўтариб қолди.

ТўрақҲҲон районининг меҳнатчилари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик шарафига меҳнат вахтасида туриб, гектардан 32 центнер ҳосил етштиришга сўз бердилар.

1 Май шарафига

Меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатаётган социалистик мусобақа илғорларига ва ишлаб чиқариш новаторларига шон-шарафлар!

(ИПСС МАРКАЗИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН)

ТАШАББУСКОРЛАР УЧРАШУВИ

«МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ» ҚАТНАШЧИЛАРИ — РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

Шу йил бошларида Глухово илғазлама комбинатининг меҳнатчилари «Советская Россия», «Радыська Украина», «Эвладна ва «Совет Узбекистони» газеталари орқали тўқувчиларга, машина-созларга, кимёгарларга, пахта тозаловчиларга ва пахтакорларга мурожаат қилиб «Минглар шартномасига» қўшилиб, деб даъват этган эдилар. Улар аъло сифатли, пишиқ, кўркам, чиройли газлама ишлаб чиқариш учун баҳамжихат ишлашга, социалистик мусобақани янада қизитишга чақирган эдилар.

Кеча «Минглар шартномаси» қатнашчиларидан бири гўруҳи Тошкентга келди. Социалистик мусобақа пешқадамлари орасида ивановлик тўқувчи, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Зоя Павловна Пухова, РСФСР Олий Советининг депутати, Глухово комбинатининг йигирувчиси Мария Федоровна Федорова, «Шуйский пролетарий» фабрикасининг классификатори Мария Ивановна Богомолова, шунингдек Беларуссиядан, Украинадан келган ишчилар ва мутахассислар, комсомол ва сабабо союз ходимлари, қардош газеталарнинг вакиллари бўлган журналистлар бор.

Кеча «Совет Узбекистони» газета редакциясида бўлган учрашувда сўзга чиққан олимлар, ишчилар, мутахассислар, министрликлар ва илдорларнинг раҳбар ходимлари социалистик мусобақани янада вез олдириш ҳақида, пахтакорлар, пахта тозаловчилар, тўқувчилар, кимёгарлар, машина-созлар, илқий-тадқиқот мусасасалари зиммасида турган вазифалар хуусида фикрлашиб олдилар.

Биология фанлари доктори, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Акрам Дадабоёв республика пахтакорларининг, селекционер олимларининг бугунги ишлари, келажак режалари ҳақида сўзлади. Пахтаини сифатини ошириш борасида пахтакорлар, мутахассислар, олимлар ва селекционерлар ҳамкорликда олиб бораётган ишлар хуусида тўхтади. Редакция меҳмонларидан Мария Ивановна Богомолова тобора ахши сифатли тола етказиб бераётганликлари учун Ўзбекистон пахта тозалаш саноати ходимларига миннатдорчилик билдириб тўқувчилар ва пахта заводи коллективлари ўртасида ҳамкорликни бундан буён ҳам янада мустаҳкамлаш зарур деб уқтириб ўтди. Уртоқ Богомолова йирик тўқувчилик комбинатлари муайян пахта тозалаш эъводларига бириктириб қўйилса ва улар ўзaro ҳамкорликда ишласа аниқ мундобо бўлур эди деб таъкидлади.

Белоруссиядан келган меҳмонимиз — Борзвич илғазлама комбинати йигирувчи цехининг бошлиғи Александр Петрович Буевич ҳам «Минглар шартномасининг» Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган делегацияси деҳқонлар кузурида, пахта тозалаш заводларида бўлиб, мусобақадорларнинг ишлари билан танишди.

Суратда: «Минглар шартномаси» қатнашчилардан бири гўруҳини Тошкент аэропортида кўриб олиш. [Чалдан ўнгга] М. Федорова, З. Пухова, А. Буевич, В. Гончарова, Е. Епифанова, Ф. Лушин ва М. Богомолова ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.



мавфати учун астойдил қайғурядиган, ишбилармон ишчиларни қўйишга ҳарajat қилинмоқда. Кадр ҳақида гал кетган деганига ёш бригада бошлиқларимиз Шавкат Нуриддинов билан Эркин Исмомлов келди. Ҳар иккиси ҳам қишлоқ хўжалик мутахассиси. Улар коллективга бошчилик қила бошлаганларига кўп бўлгани йўқ. Ленин икки-уч йил ичндаёқ улар кўнчилигининг юрагига йўл тола биллиларини, меҳнатсеварлик ва ташкилотчилик қобилиятларини кўрсатдилар.

Совхозимизда ҳаракатчан, жуда ўринни тошган ишбилармонлиги ҳам кўп. Бригада бошлиқлари Серикбой Насофов, Абдурахим Шерматов, Қаҳҳор Мусоев, Датоқ Элебоевлар ана шунлар жумласидандир.

Ҳозир шаҳар аҳолисини қиши-ёши сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш кўп тартибга қўйлямоқда.

Чиндан ҳам сабзавотчилик қолхоз ва совхозларидан масалани хал ишнини учун аниқгина имкониятлар бор. Илқий иш ва ерга қўйлама сабзавот етштиришининг бирдан-бир йўли теплицалар қуриш ва ундан самарали фойдаланиш эди. Бу нинга анча натта сарф-ҳаражат керак бўлади. Қандува хўжалиқлар бу ишнинг улдасидан чиқини анча қийин. Аммо, политезелен пленнанинг қўйлаб ишлаб чиқарила бошланганлиги қиши-ёши сабзавот етштиришда деҳқонларга кўл келмоқда.

Бу билан пленка остида сабзавот етштириш осон иш демақч эмасман. У ҳам анча машаққатли меҳнат. Кеч куз-киши эригини, қишини аёзи, қўлланнинг қировли қунларида ҳам, даладан бери келмай, экинни муҳофаза қилиш керак бўлади. Сабзавоткорларимиз пленнадан фойдаланишга анча уста бўлиб қолишди. Уҳжалиқимиз ҳар йили эрта қўйламада пленка остига экилган экинлардан 350-400 тонна ҳосил кўтаришти. Пленка остига экилаётган картошка ва қарам очик далага экилаётганга нисбатан 20-30 кун илгари етилмоқда.

Пленканинг шарофати айниқса дербент навли қарам етштиришда яққол кўринди. Бу қарам илгари республикамизнинг жанубида экилар, эрта иппарли билан шўхрат тошган эди. Шунинг учун унга меҳримиз тўшиб қолди. Дербент қарамини Тошкент шароитида экиб, ҳосил олиш ҳақида узюқ мулоҳаза қилиди. Сурхондарё ва Қашқадарёда очик майдонларга экиладиган кўчат Тошкентнинг сувовига бардош бериши қийин. Шунда — пленка жонинга аро кирди. 1969 йили бир гектар ерга шу нав қарамдан эдик. Бир ярм тонадан ортқ ҳосил олиб, беш прим минг сўма яни даромад қилди. Кейинги йили кузда дербент қарам экилган майдонни 4.4 гектарга етказдик. 1971 йилнинг апрель ойида давлатга 700 центнер ҳосил топширдик. Ҳосилнинг ҳар центнери 33 сўм 30 тийинга тушди. Бир гектар ердан олинган 15.8 центнер ҳосил 5290 сўм даромад берди.

Базиллар бу қарамдан олинган ҳосилни кўриб, ўзимизнинг очик майдонга экиладиган «хашак» қарамдан анча кам-қуч, дебишлари мумкин. Аммо, унинг самарасини кўринг-а. Аввало дербент қарам сабзавот таъсиб пайта етилди. У кузда далага экилганлиги учун кўчат ҳам анча арзонга тушди.

1971 йили дербент қарамдан жамои 13 минг 500 сўм соф фойда кўрган эдик. Кузда яна 10 гектар ерга қарам кўчат ўтқазган эдик. Ҳозир биринчи парваршдан чинди.

— Баҳор бошлади. Экин экиш ишлари ҳам бошляиб кетди. Уни қандай ўтказилса-лар?

— Сабзавотчиликда ўтган хўжалик йили билан кириб келадиган хўжалик йили бир-бирининг давомига ўхшайди. Кўп экинлар кузда экилиб баҳорда йириб олинади. Утган йили 70 гектар майдонга август ишён, 5 гектар ерга саримсоқ экиб қўйганмиз. Парникада эртанги экинлар кўчатини тайёрлаш ишлари муваффақиятли ўтди. Эртанги қарам экиб бўлиди. Вод-бир гектар экиб бўлиди. Экин давом етмоқда. Ҳадемай болгар гармордиси ва бақлажонни экиб бошляимиз.

Бу йил совхозимиз коллективни қатла мажбурийат олган. Давлатга 8026 тонна сабзавот, 770 тонна картошка, 280 тонна сўт, 118 тонна гўшт, 140 тонна мева етказиб беришимиз керак. Сабзавоткорларимиз ўз ишларини қизгин бош-лаб юборишди.

СПОРТ
ХАБАРЛАР
СССР—ПЕШКАДАМ

Прага шаҳрида дам оқибат хоккей бўйича жаҳон чемпионати охирида бўриқ...

да, Ҳаной чемпионлигига даъвогар командалар — совет спортчилари билан Чехословакия хоккейчилари ўйинлари муҳлислар зўр иштиёқ билан томоша қилмоқдалар...

СССР хоккейчилари куч синишдилар. Совет Иттифоқи хоккейчилари терма командаси жаҳон чемпионатининг иккинчи даври ўйинларидан бошлаб киритилган шайбалар нисбати бўйича биринчи ўринга чиқиб олди...

БАҲОРГИ ТУРНИР

Кейинги вақтларда Тошкентда мамлакатимиз кучли теннисчилари тез-тез куч синишларида бўлиб қолдилар. Бунинг боиси шунки, республикамиз пойтахтида теннис ўйинлари ўтказиб, ўтказиб юборилган тирилган маҳсул стадион бар...

по қилинди. Ана шу йғи «Динамо» стадионда СССРнинг энг кучли теннисчилари баҳорги катта турнир мусобақаларини ўтказдилар. Мусобақалар пойғида...

ган пойтахтлик армиячи Тошкентдаги баҳорги турнирда ҳам биринчи ўринни эгаллади. Бу ютуғи Коротковнинг СССР теннисчилари терма командасига киритишга имкон берди...

ЯНА ДУРАНГ

«Пахтакор» ўз майдонидики ўйин ўтказиб, сафар учрашувларига чиқиб кетгани муҳлисларга аён. Утган кунги Ўзбекистон футболчилари Нальчик шаҳрининг «Автомобилист» командаси билан бел...

лашди. Учрашувнинг биринчи қисмида пахтакорчи Михаил Ан 11 метри жарима тўғрисида қўйиб қўйди. Учрашувда пахтакорчилардан Абдураимов, Иванков, Ишечниковлар майдонга тушмади...

Планетамизда

ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТИ

ХАНОЙ, 17 апрель. (ТАСС). Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети билан Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати мамлакат аҳолисига ва кўролли кўчаларига муурожаат қилиб, уларни Америка авиацияси Ҳайфон портига ва Ханой шаҳрининг аэродромига катта-катта ҳужумлар қилиб, Күшма Штатлар агрессияси учун кўчиратилганга муносиб жавоб беришга даъват этдилар...

Аммо урушнинг кенгайтириш йўлида қўйилган ҳар бир қадам, дейилади муурожаатда, Америка агрессорларини тағин ҳам оғирроқ мағлубиятларга олиб боради. Бизнинг кўролли кўчаларимиз ва мамлакатимиз аҳолиси нағизлига ва талаб қозонишга маҳкам бет боғлаб, маралин билан олға боришмоқдалар. Вьетнам шимолидаги аҳоли ва кўролли кўчалар Вьетнам Демократик Республикасининг мустақиллигига, суверенитетига ва ҳафизчилигига, зарар етказилганликлари учун агрессорни жазага қўришга қатъий бел боғланглар...

ролли кўчаларини жанубий овоз қилиш, социалистик шимолий ҳимой қилиш ва мамлакатнинг тинч ҳайоат бирлаштириш йўлида олға бориш мақсадида Вагон эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилаётган курашда революцион Ҳармоник курашга даъват этдилар. Вьетнам халқи, дейилади муурожаатда, Америка империалистларини Ҳинди-Хитой яриги оролидан ҳайдаб чиқариш учун Лаос ва Камбоджанинг қардош халқлари билан кўлини қўлга олиб курашишга маҳкам бел боғланглар...

ЯПОНИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ТОКИО, 17 апрель. (ТАСС). Япония Коммунистик партияси АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси учун кенгайтирилганликларига қарши кескин норозилик билдириди ва Вьетнам Демократик Республикасини терроризмнинг бомбардимон қилиши дарҳол тўхтатишни талаб этди...

димо қилаётганлиги Америка — Хитой қўшма ахборотида, биз тинчликнинг беш принципини амал қилиш тўғрисида қилиш олдиди, деб айтилган гаплар қўруқ гап эътиборини яққол кўрсатди. Жаҳон антиимпериалистик кўчаларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси шунки, деди Т. Нисидзава, улар Вьетнам халқини қўллаб-қувватлаш йўлида халқаро миқёсда биргаликда қўллаб-қувватлашнинг кенгайтирилиши керак...

ҚАТЪИЙ ТАЛАБ

ЛОНДОН. Америка Ханойни ва Ҳайфон гаванини бомбардимон қилаётганлиги Ҳинди-Хитойда уруш яна халқаро равишда кенгайтириляётганлигидан далолат бериб турибди, деб ёзди «Морнинг стар» газетаси. Инглиз халқи, дейилади газетанинг мақоласида, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси халқларга қарши норозилигини кучайтириб, АҚШ авиациясининг бомбардимон қилишларини тўхтатишни талаб этишни лозим. Парламент аъзоси булган сўл лейбористлар Фрэнк Оллаун ва Стэнг...

Орм, шунингдек «Вьетнамда тинчлик учун курашувчи инглиз халқининг секретари Жеймс Эскрис ҳам Американинг Вьетнамни бомбардимон қилаётганлигидан ўзларининг гаваблаётганлигини билдирдилар. Инглиз комсомолли ёшларга муурожаат қилиб, уларни норозилик намойишини қўллаб-қувватлашга чақирди. Вьетнамнинг бомбардимон қилинишини тўхтатишни, Тхяеу режимидаги тугатилиш ва Ҳинди-Хитойдаги қўшнларнинг олиб чиқиш кетилишини талаб қилиди. (ТАСС).

ХАТАРЛИ ҚАДАМЛАР

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Президентнинг лавозимига демократик партиядан номзод бўлишга уринаётган сенатор Э. Маски «Эй-Би-Си» компаниясининг «Савол-жавоб» телевизион программасида гапириб, Ҳайфон бомбардимон қилинаётганлиги Қўшма Штатларнинг хатарли урушга тобора чуқуროқ тортилаётганлигини кўрсатиб турибди, деди...

дир бўлаётган воқеалар, деди у, мана шу хато сиёсатнинг муқаррар оқибати бўлимоқда. АҚШ Ҳанойни қўриқларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетиши ва урушга тўхтатишни лозим. Сенатор Маски, АҚШ вьетнамликларнинг иродасини кўрол кучи билан бука олмайди, деб огоҳландирди. Президент Никсон, деди у, Американинг Париждаги вазиятига Вьетнамга бағишланган музокаларини яна бошлаб юбориш тўғрисида кўрсатма бериши керак. (ТАСС).

СОЦИАЛИСТИК КУБАНИНГ БАЙРАМИ

19 апрель — социалистик Куба тарихида жуда муҳим сана. Бундан 11 йил бурун худда мана шу кун Куба армияси ва халқ милициясининг қисмлари Америка империализмига таъйрлаб Кубага юборилган интервенциячилар қўшинини таломила тор-мор келтирган эдилар. Қарамон Куба халқи Плайя-Хирон районида агрессорлар билан шайдакли жанг қилиб, 1961 йилнинг апрель кунлариде эришган ғалабанинг унинг бурилиши билан, ўз ватанининг революцион ғалабаларини эркинлигини ва мустақиллигини сўғити қатъа қўшни қолгунча хиноя қилшга маҳкам бел боғлавланлигини кўрсатувчи ёрқин намойиш бўлди. Куба халқининг душманлари Америка қуроли билан тиш-тирноғига қурулган, Америка авиацияси мадд бериб...

Плайя-Хиронда олиб борилган жанг кунлариде Куба халқи қўлга қурул олиб ўзининг миллий идеалларига мувофиқ ўз турмушини қуришдан иборат суверен ҳуқуқини қатъий туриб сақлаб қолди. Ҳазратининг социалистик йўлдан революцион ҳокимиятини тез тугатгани, мамлакатда илгаричи тартибларини яна ўрнатгани АҚШ империалистик монополияларининг ҳукмронлигини қайтадан тиклашни деб ўйлаган эдилар. Лекин улар учувари хом сенар, шармада бўлдилар. Америка ёллаган малайлар шайқаси салкам уч йил ичиде тугатилди...



ҲУКУМАТ ДЎҚ УРМОҚДА

НЬО-ЙОРК. 17 апрель. (ТАСС). Монополиялар билан курашда доир қонуларнинг амалга оширишда жуда муҳим аҳамият билан ҳаракат қилишга одалгани қолган АҚШ юстиция министриги мамлакатдаги етакчи уч телевизия компанияни шу қосунларни бузишга айтиб, уларни судга беришга тўсатди қарор қилди. Бу компаниялар судга берилганлигини асосий сабабини шунки, юстиция министрлигининг айтишига қараганда, улар қўнғил очар программаларни ўзлари тайёрлаб, ўзлари кўрсатадилар. Бу билан монополиялаштиришни тақдирловчи қонуларнинг бузуладилар. Агар юстиция министрлигининг даъвоси қондирилганда бўлса, телевизия компаниялар бундай программаларни тузиш тўғрисида четга буюртма беришга мажбур бўладилар.

Кўп қиллар ҳукуматнинг бу талабини телевизия компанияларини ҳукумат билан тағин ҳам қириндан туриб ҳамкорлик қилишга мажбур этиш мақсадида қилинаётган дўқ деб ҳисобламоқдалар ва шундай деб ҳисоблаш учун асос ҳам бор. Олий мансбдор кишилар, жумладан АҚШ вице-президенти С. Агню ҳам ҳуқуқдорлар дидига ёлган программаларни етакчи компаниялар телевидение оралиги кўрсатилганлиги қатъий тақдир қилган эдилар. Масалан, бултур Агню «Колумбия бродкастинг систем» («Си-Би-Эс») компанияси «Пентагоннинг рекламаси» программасини кўрсатилганлиги тақдир қилган эди. Бу программада АҚШнинг ҳарбий-саноат комплекси ҳарбий мақсадларга қилинаётган бе-хилол катта ҳаражатларга қарши норозиликларни бугин...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
Тез кунда
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
«ҚАЛТИС ҲАЗИЛ»
2 пардали комедия.
Саҳнага қўйиши режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти А. ТУРДИЕВ.
РЕЖИССЁР АССИСТЕНТИ — М. ОТАБОВЕВ.
РАССОМ — М. ЭШОНҲУЖАЕВ.
БОШ РОЛЛАРДА: — Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Ғ. АЪЗАМОВ, И. БОЛТАЕВА, С. ҚАРИМОВА, С. ОЛИМОВ, Ҳ. НАРИМОНОВ, О. ҲАСАНОВ ва бошқалар қатнашадилар.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
19 АПРЕЛДА БОШЛАБ
БЕГЕМОТ, КЕНГУРУ, ФИЛ, ЗЕБРА, АНҚ, ТУЛКИ, ПЕЛИКАНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДАГИ
КАТТА АТТРАКЦИОН ГАСТРОЛЛАРИ
Аттракцион раҳбари — Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист
МАНСУР ШИРВАНИ
«БИЗ—БОКУДАНМИЗ»
ОЗАРБАЙЖОН ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
Тошхаво кеч соат 7 лримда; шаба ва яқшаба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 лримда бошланади.
Олдиндан билет сотиш ҳассаси ишламоқда.
«ЎЗБЕКОНЦЕРТ»
МАРКАЗИЙ «ОБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
1, 2 МАЙ КУНДУЗ СОАТ 3 ВА КЕЧ 8 ДА
КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
ХУШОВОЗ ХОНАНДА ВА СОЗАНДАЛАР, ЛИРИК ҚЎШИҲЧИЛАР, МИНАТЮРА ВА СҒЗ УСТАЛАРИ, АСКИЯҲЛАР.
1972 ЙИЛ РЕСПУБЛИКА ҚЎШИҚ КОНКУРСИНИНГ ГОЛИБЛАРИ
БИЛЕТЛАР 25 апрелдан бошлаб Свердлов номи концерт зали ва Марказий «Обилей» спорт зали насаларида кундуз соат 2 дан сотилади.
Афиша ва эълонларни кузатиб бориң!